



ПРЕЗИДЕНТ ТАШАБУСУ ИМАЛДА

# Мўйноқда Тошкент вилояти тажрибаси

Президентимизнинг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлари асосида Тошкент вилояти ҳокимлиги Мўйноқ туманига бириктирилди. Ўтган давр мобайнида ушбу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобидан молиявий ёрдам кўрсатилмоқда.



Жумладан, Тошкент вилояти ва Мўйноқ тумани ҳокимликлари билан биргаликда 77 та объект бўйича жами 32 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарорлари ва вилоят ҳокимининг тегишли фармойишлари асосида вилоят маҳаллий бюджетидан мазкур тадбирлар учун жами 16 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилган.

Хусусан, умумтаълим мактабларда 9 миллиард 457 миллион сўмлик маблағ ҳисобига қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган белгиланган бўлиб, 4 миллиард 213 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиши ҳисобига "Қозоқдарё" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-сонли мактаб ва "Бўзатов" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қаражар овулидаги 9-сонли мактаб филиалида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Турмадаги барча мактаблар тўлиқ спорт инвентарлари билан таъминланди. Ҳозирда "Уш сай" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4-сонли ва "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5-сонли умумтаълим мактабларининг спорт залларини қуриш ишлари давом этмоқда. Етти ярим миллион сўмдан ортиқ маблағни туманда мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йўналтириш белгиланган бўлиб, ҳозирда "Бозатау" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Қилчакдарё" овулида 50 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши ишлари, "Тик ўзак" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 12-сонли мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ аяқланган, фойдаланишга топширилди.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг амалий ёрдамида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар натижасида болалар спорт мактабларига таълим ташкилотларига қамраб олиниши бугунги кунда 91 фоизга етказилди, - деди Мўйноқ тумани мактабгача таълим бўлими мутахассиси Токтасин Алпаназарова. ҲА муҳбири Довуд Абибуллаева. - Жумладан, туманимизда жами 27 та, шундан 17 та давлат, 2 та давлат-шериклик асосидаги ва 7 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Албатта, бундай ёрдамдан овул аҳолиси жуда ҳам мамнун. Мактабгача таълим соҳасидаги ҳамкорлик янги йилда ҳам давом этмоқда.

Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича 1 миллиард 585,4 миллион сўм маблағ йўналтирилиши режа қилинган бўлиб, бугунги кунда 58,7 фоиз ишлар амалга оширилди. Туман тиббиёт бирлашмасига тиббиёт ускуналари етказиб бериш мақсадида 76,2 миллион сўм йўналтирилди. Тиббиёт бирлашмасида тез ёрдам бўлимини қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Кам таъминланган оилалар аъзоларининг тиббий операцияси учун 85 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Вилоят тадбиркорлари томонидан 2022-2023 йилларда қиймати 393,9 миллиард сўмлик 23 та лойиҳа амалга оширилиши ва 983 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда 10 дан ортиқ лойиҳа асосида корхона ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият бошлади. Ташаббускорнинг ўз маблағи ҳисобидан 25 гектар ер майдонда деҳқончилик қилиш, шунингдек, "Агробанк" томонидан ажратилган 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ҳисобига автотранспортларга хизмат кўрсатиш ва логистика хизмати лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Балқичлик фаолиятини ташкил этиш учун ташаббускорлар томонидан "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси орқали 1058 гектар ер майдонига эга табиий кўл ажратилди. Ҳозирда 2 миллиард сўмлик кредит маблағи йўналтири-

либ, зарур ускуналар билан таъминланмоқда. Яна бир интенсив усулда балиқ етиштириш учун "Тик ўзак" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски паррандачилик-балиқчилик биноси тадбиркор томонидан сотиб олинди. Мазкур лойиҳа учун "Ипотека банк" дан 2,5 миллиард сўм кредит ажратилган. Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, 30 гектар ҳудудда "Нетхаус" ёзги иссиқхона ташкил этиш, шунингдек, туячилик ва эчкичиликни йўлга қўйиш лойиҳалари юзасидан ишлар якунига етказилмоқда.



Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга музлатгич, телевизор, газ плиталари берилди, шунингдек, кўпжа оилалар хонадонларига қўшма панеллар йўналтирилди. Қурилиш ҳамда ободонлаштириш ва бошқа масалалар учун "Йўл харитаси"га асосан 13 миллиард 387 миллион сўм йўналтирилган бўлиб, туман маркази ва "Ҳаким ота" овул фуқаролар йиғини ҳудудида китоб фондига бой кутубхона бунёд этилди. Тумандаги барча мактабгача таълим ташкилотларига сув филтрлари ўрнатилиши, кўп квартиралы биноларнинг том қисмларига шифер ётқизиш, ҳар бир маҳаллаларда футбол майдонлари қуриб фойдаланишга топшириш ишлари якунига етказилди. "Қозоқдарё" овул фуқаролар йиғини ҳудудида 4,5 километр ва "Тик ўзак" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3 километр ички йўллари жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан туман марказида "Ёшлар боғи" ташкил қилиниб, ҳудуднинг иқлимига мос, шўрга ва иссиққа чидамли манзарали кўчалар етказиб берилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларни спорт кийимлари ва жиҳозлари билан таъминлашда ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда, - деди Мўйноқ тумани болалар-ўсмир-

лар спорт мактабининг волейбол бўйича мураббий Раҳила Атамуратова. - Бугунги кунда туманимиз ёшларига 250 миллион сўмлик спорт кийимлари ва жиҳозлари етказиб берилди. Туманимизнинг энг чеكка ҳудудларида яшил қопламали спорт майдончалари қуриб берилмоқда. Шунингдек, "Мадели", "Ҳаким ота", "Қозоқдарё" каби чеكка овул фуқаролар йиғинлари ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Мана шундай ёрдами учун Тошкент вилояти ҳокимлигига ту-



манимиз ёшлари ва ота-оналар номидан миннатдорлик билдирадим. "Қозоқдарё" ва "Мадели" овул фуқаролар йиғинлари йўлларига тўшқум тўшалмоқда. Туман маҳаллаларида ёшлар учун 8 та қиймати 3 миллиард сўмлик спорт майдони қурилади. Мактаблар учун 4 турдаги жами 150 та мусика асбоби олиб берилди. Ҳар ойда "Ko'hinu" санаторийсида 20 нафардан, жами 180 нафар фуқаронинг даволаниши ташкил қилинди. Ёз ойларида 300 нафар 6-9 синф ўқувчилари Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда таътилга юборилади. Туманининг "Қизилжар" овул фуқаролар йиғинида 4 миллиард сўмлик ҳамда "Бўзатов" овул фуқаролар йиғинида 3 миллиард сўмлик жами 150 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилди. Кам таъминланган, муҳтож оилаларга 155 миллион сўмлик махсуслот тарқатилди. Туманда аҳоли масолатлигини ошириш мақсадида 2 та ижтимоий дорихона ташкил қилинди. Жароҳлик амалиётига муҳтож, имконияти таъминлаш ва даромадини ошириш юзасидан ҳамкорликдаги ишлар жорий 2023 йилда ҳам давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

# Давлат фуқаролик хизмати тақомиллашмоқда

"Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган юксак ғояга асосланган ислохотлар давом этмоқда. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёти билан дунё ҳамжамиятига дадил кириб бораётган янги Ўзбекистонда бошланган маъмурий ислохотлар, кадрлар сиёсати янги сифат босқичига кўтарилди. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали раҳбари Зафар СУЛТОНОВ ЎзА муҳбири Абдували БҮРИЕВга вилоятда давлат фуқаролик хизматини тақомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Бош Қомусимизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деб мустаҳкамлаб қўйилган, - деди З. Султонов. - 2022 йилнинг 8 август кунини эса Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида" - ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқчил давлат хизмати тизimini ташкил этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Давлат фуқаролик хизматида муносиб кадрларни очиб мустақил танлов асосида қабул қилиш тизими жорий қилиниб, минглаб ёшлар ва хотин-қизлар очик ва шаффоф тизим орқали давлат хизматида қабул қилинмоқда.

Олиб борилаётган маъмурий ислохотлар, халқчил сиёсат туфайли давлат хизматчилари бугун аҳолига анча яқинлашди. 2022 йилда эса "Маҳаллабай" ва "хонадонбай" ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳар бир маҳаллада - раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлардан иборат яхлит тизим яратилди.

Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, мамлакат обод бўлади. Шу боис, ҳар бир маҳаллада самарали иш олиб бориш 2022 йилда фаолиятимиз бош мезонига айланди, десак муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбари фармон ва қарорлари мувофиқ, меритократия тамойили асосида Навоий вилоятидаги 330 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли лавозимларига 3200 дан ортиқ номзодлар орасидан 990 нафари сараланиб, лавозимларга тайинланди.

Бугунги кунда вилоятдаги давлат фуқаролик хизмати жорий этилаётган давлат органлари ва ташкилотларида 5397 нафар давлат фуқаролик хизматчилари фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 1154 нафарини хотин-қизлар, 1122 нафарини эса ёшлар ташкил этади.

Ўтган йил мобайнида вилоятдаги 49 та давлат органлари ва ташкилотларидаги мавжуд вакант лавозимлар учун 4353 марта очик мустақил танловлар ташкил этилиб, танловларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ишга туширилган "Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали" (vacancy.argo.uz) ахборот тизими орқали 32665 нафар фуқаро ҳужжат топширди. Танловлар якунига кўра, 1466 нафар номзод давлат фуқаролик хизматида қабул қилинди.

Бугунги кунда сектор раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари фаолият этиш муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланмоқда. Давлат фуқаролик хизматида иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш мақсадида илм-фан, спорт, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришаётган, фаол ва ташаббускор ёшлар орасида "Келажак лидерлари клуби" ташкил этилиб, бу борада махсус ўқув курслари йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, малакали кадрлар мамлакатнинг эртанги кунини, тараққиётини белгилочи муҳим куч. Ҳар бир вазирлик ва идора билимли, салоҳиятли, тажрибали, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларга эҳтиёж сезади.

Шу боис давлат органлари ва ташкилотларининг ўрта ва қуйи бўғин бошқарув ходимларини янгича талаблар, хусусан "маҳаллабай" ва "фуқаробай" тизими асосида самарали ишлашга ўргатиш, уларнинг касбий компетенцияларини улзуксиз ошириб бориш мақсадида, ўтган йил давомида 2984 нафар ўрта ва қуйи бўғин Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакаси оширилди.

Дастлаб вилоятдаги давлат фуқаролик хизмати жорий этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари бўйича 2022 йилда ойма-ой ва ҳафтали амалга оширилаётган энг муҳим портфеллари асосида 452 нафар давлат хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги давлат бошқаруви академияси ҳамда унинг Самарқанд вилоят бўлимида, шунингдек, 2532 нафар давлат фуқаролик хизматчиларининг эса масофавий малака ошириш курсларида малакаси оширилди.

Давлатимиз Раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига йўллаган Мурожаатномасида давлат фуқаролик хизмати соҳасида ўз ечинини кутаётган масалаларнинг ўрин олганлиги, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айланмаганлигидан далолат.

Шу боис Мурожаатномада ислохотларнинг биринчи йўналиши сифатида иккам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтилишига эътибор қаратилди. Хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш мақсадида энди "қўл бошқаруви"дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келгани таъкидланди.

Юқориди белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Навоий вилоятида давлат фуқаролик хизматини янада тақомиллаштириш мақсадида филиал томонидан 2023 йилда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, Бу йил вилоят давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат фуқаролик хизмати лавозимларига танловларнинг барча босқичларини фақат танлов асосида шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш бўйича барча зарурий чоралар қўрилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг вилоят бўлинмаларидаги вақандиллар сонини 4-5 фоизга тушириш ва улардаги кадрлар кўнimsизлиги ҳолати таҳлили асосида ишлар ташкил этилади.

Миллий ва салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириш, бунда "маҳалладан - республикага" тамойили асосида кадрларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг самарали иш фаолиятини йўлга қўйиш ва сектор раҳбарлари масъулиятини янада ошириш мақсадида секторлар фаолияти самарадорлиги, туман ва шаҳар ҳокими ўринбосарлари фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизими орқали баҳоланиб таҳлил қилиб турилади.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш, иқтидорли ва салоҳиятли ёшларни давлат фуқаролик хизматида кенг жалб этиш ишлари изчил давом эттирилади. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг тараққиёти ва мамлакат фаровонлиги давлат бошқарувининг қанчалик халқчил эканлигига боғлиқ. Шу боис давлат бошқаруви тизими иккам, профессионал, адолатли, юқори натижадор бўлишини таъминлаш - давр талаби.

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ислохотлар, албатта, ўзининг ижобий самарасини бериб, Янги Ўзбекистон шароитида замонавий талабларга жавоб берадиган иккам давлат бошқаруви тизimini шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани қўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш орқали давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур ҳужжатларда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизimini модернизация қилиш жараёнига янги куч бағишлайди.



# 2022 йилнинг энг яхши қурилиш материаллари брэндлари аниқланди



Райхона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мамлакатимизда йил сайин қурилиш материаллари соҳаси тараққий этиб бормоқда. Ишлаб чиқариш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, экспорт ва маҳаллийлаштириш дастури бўйича кўрсаткичлар ўсиб бормоқда. Ҳозирда нафақат маҳаллий балки жаҳон бозорида ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига бўлган талаб ортмоқда. Шу билан бирга, янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати иқтисодий тизимнинг асосий драйверларидан биридир.

Ўтган йил якуни бўйича "Ўзсаноатқурилиш материаллари" уюшмаси ҳам қурилган натижаларга эришди. Хусусан, ўтган йил якуни билан қурилиш материаллари соҳасида 28,6 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 105 фоизни ташкил этди. Жумладан, 35 млн квадрат метр қурилиш ойнаси (ўтган

йилга нисбатан 107 фоиз), гипсокартон – 69 млн квадрат метр (108 фоиз), цемент – 14,5 млн тонна (102,1 фоиз), керамик плитка – 36 млн квадрат метр (108,1 фоиз) каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. 2022 йил якуни билан 1,8 млрд АҚШ долларидан, шундан 1,14 млрд АҚШ долларидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Қиймати 1,4 млрд АҚШ долларидан 420 та лойиҳалар ишга туширилди ва 14,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Экспорт географиясини ва маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ҳисобига 610 млн АҚШ долларидан миқдоридан экспорт амалга оширилиб, 139 фоизга ўсиш таъминланди. Бунда, 36,9 млн АҚШ долларидан гулгоғоз, керамик маҳсулотлари – 92 млн АҚШ долларидан, ПВХ ва пластмасса буюмлари – 88 млн АҚШ долларидан, алюминдан қурилиш материаллари – 41,5 млн АҚШ долларидан, металл буюмлари – 151,8 млн АҚШ долларидан каби маҳсулотлар экспорт қилинди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1,4 трлн сўмлик 13 турдаги маҳаллийлаштирилган қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиди. Жумладан, 23 млн квадрат метр қурилиш ойнаси, 1,8 млн квадрат метр керамогранит, 4 млн квадрат метр линолеум, 9,6 млн квадрат метр янги турдаги керамик плитка, 40 минг дона керамикадан сантехника буюмлари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Албатта, бундай юқори натижаларга эришишда саноат қурилиш материаллари уюшмаси томонидан бозор талаб ва таклифини ўрганиш мақсадида "2022 йилнинг энг яхши қурилиш материаллари брэнди" ижтимоий сўровномаси ўтказилди. Унда 220 минг иштирокчи қатнашди. 4 кун давом этган сўровнома натижасига кўра, умумий ҳисобда 81 мингта овоз тўплаган "BASALT" ("BASALT WOOL" МЧЖ ҚҚ) брэнди танлов ғолиби деб топилди. Шунингдек, 56 минг овоз тўплаган "ARTON" ("East Mining Invest" МЧЖ) ва 36 минг овозга эга бўлган "ORIENT CERAMIC" ("ORIENT CERAMIC" МЧЖ) брэндлари "2022 йилнинг энг яхши қурилиш материаллари брэнди" номинацияларини қўлга киритишди.

"Ўзсаноатқурилиш материаллари" уюшмасида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида танлов ғолиби ва совриндорлари, уюшма раҳбар-ҳодимлари, тадбиркорлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

# Жамоат транспорти 2023 йилни қандай бошлади?

Ислом ИБДУЛЛА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида, "Ўзбекистон учун бегона транспорт – Метробус" номли мақола чоп этилган эди. Унда шаҳар кўчаларида алоҳида ҳаракатланиш йўлагига эга метро ва автобуснинг қоралиқ намунаси, яъни метробусларнинг хусусияти ва ҳаракатланиш тартиби ҳақида сўз юритилганди. Қизиғи, эндиликда пойтахтимиздаги автобуслар шу кўринишда кўча четлари бўйлаб дахлсиз ҳаракатланиш йўлақларига эга бўлмоқда.



Сир эмас, сўнгги йилларда жамоат транспорти камчиликлар қуршовида қолиб, аҳолига хизмат кўрсатишда кўп-кўп муаммолар кўзга ташланаётган эди. Уларни бартараф этиш учун ер усти метросининг қурилиш жараёни амалга оширилиб, янги транспорт воситалари харид қилинди. Бугун эса мазкур жараёнлар янги босқичга кўтарилди.

## ЛОЙИҲА ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА, АММО...

Тирбандликларни асосан эрталаб ва кечки пайтлари қузатиш мумкин. Тошкент шаҳри кўчаларида автобуслар ҳаракатланиши учун алоҳида йўл бўлақларининг ташкил этилиши эса кўп-кўп салбий оқибатларнинг олдини олади. Кенг қатновли кўчаларда эса автомаобиллар ҳаракатланишидаги асосий муаммо йўлларнинг торлигидир. Хусусан, уч тасмали йўлларда одатда 4 қатор автомобиль ҳаракати юзга келади. Бу ўринда шахсий автоуловларнинг кириши тақиқланган автобус бўлағи йўлнинг қолган қисмларидаги автомаобил ҳаракатланишига таъсир этиб, тақси зиматидан фойдаланувчилар учун ноқулайлик туғдиришда.

– Ишонсан Навоий кўчасида жойлашгани учун тақси зиматидан кўп фойдаланман, – деди йўловчи Фаррух Ҳасанов. – Йўлнинг четларида автобус йўлақларининг қизиб қўйилгани кўп-кўп йўловчиларга ноқулайлик туғдирипти. Негаки, аксарият автомобиль ҳайдовчилари автобус йўлагидан нарида ҳаракатлангани сабабли йўловчилар тақси тутиш учун йўлнинг ички қисмига ўтишга мажбур бўлмоқда. Бу эса хавфли ҳаракатни юзга келтириши табиий ҳол.

Сўнгги пайтда тирбандликлар ортида тез тиббий ёрдам автомаобиллари билан боғлиқ қўнғилсизликлар кўзга ташланмоқда. Ортиқча тирбандлик ортида мазкур уловларнинг ҳаракатланиши чекланиб, беморлар учун қийинчиликлар юзга келмоқда. Автобус йўлақларида тез тиббий ёрдам уловларининг ҳаракатланиши учун енгилликлар бериш мақсада мувофиқдек кўриномқда.

## АВТОБУС ЙЎЛАКЛАРИДА ҲАРАКАТ УЧУН ЖАРИМА

Айрим кишилар ҳар қандай янгиликка тезда қўнқилмайди, кўчаларда бунинг исботини кўриш мумкин. Одамлар автобус йўлақлари учун ажратилган қисмларда тақси тутишга уринмоқда. Одатда бир тақсининг тўхташи ва йўловчи билан нархни келиши анча вақт талаб этади. Бу эса жарималарга сабаб бўлиши мумкин.

– Автобус йўлақларида автомаобилларнинг ҳаракатланиши чекланади, – деди Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими Ойбек Раҳмонов. – Узлуксиз чизигини босиб ўтиб, автобуслар учун ажратилган махсус йўлақда ҳаракатланган автомаобиллар Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси билан БХМнинг иккидан бир қисми, яъни, 150 минг сўм миқдоридан жаримага тортилади. Агарда автомобиль уша йўлақда тўхтаса, тўхтаётган ҳам бу ҳолат йўловчинини тушириш еки чиқариш билан боғлиқ бўлмаса, унга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси билан БХМ миқдорининг 2 баравари – 600 минг сўм миқдоридан жарима жазоси берилади. Келажакда тизимнинг қандай ишлаши тўғрисида жамоатчиликка маълумот берилади.

Жамоат транспорти ҳаракатини тартибга солиш энг муҳим омиллардан биридир. Ҳозирда пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Бегуний, Амир Темура ва Фарғона йўли кўчаларида автобус йўлақларининг ажратилиши йўловчиларнинг вақтини тежашга ва ортиқча асабшарликлардан узоқ тутишга хизмат қилади.

# Учинчи йирик корхона

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мана бир неча йилдирки, юртимизда маҳаллий хомашёлар захирасидан унумли фойдаланиш ҳисобига четдан импорт қилинаётган маҳсулотларни камайитиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан айниқса қурилиш соҳасидаги илмий изланишлар ва тадбиркорларнинг ҳаракатлари натижасида қутилган натижага эришилмоқда.

Шу сабаб ҳаракатларнинг мантикий давоми сифатида якунланаётган йил республикамизда қурилаётган ҳар қандай турдаги иншоот учун жуда муҳим бўлган яна бир маҳсулот – қурилиш ойнаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эътиборга моликдир. Кези келганда айтиш жоизки, шу пайтга қадар қурилиш корхоналарига ойна маҳсулотларини Фарғонанинг "Кварц" акциядорлик жамияти ҳамда Жиззахдаги "Минг Янг Силу индустри" масъулияти чекланган йирик корхоналар етказиб беради. Замонавий технологияларга таянган бу корхоналар буюртмаларни ўз вақтида бажаришларига қарамай, тайёр маҳсулотларни жойларга олиб кетишда буюртмачи ортиқча харажат сарфлашига тўғри келар эди.

Масалан, Фарғонадан Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари ёки Қорақалпоғистон Республикасига таёёр маҳсулотни олиб бориш учун мингдан ортиқ километр масофани босиб ўтиш керак бўлади. Бу эса, ўз-ўзидан йўл харажати билан қўшиб ҳисоблаганда қурилаётган бинонинг нархи ва тадбиркорнинг ҳаммагина таъсир қилмасдан қолмаслиги турган гап. Мана шу жиҳатлар ҳисобига олинганда, воҳанинг ўртаси, яъни Навоий вилоятида "Зарафшон ойна" корхонасининг ишга тушиши айтиб ўтилган муаммага барҳам берилишида ҳам айни мудоао бўлади.

Мазкур корхонанинг ташкил қилинишида ҳам ўзига хос мазмун-моҳият бор. Бундан тўрт йил аввал Президентимиз Навоий вилоятига қилган ташрифи чоғида бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишаркан, ҳудуддаги пардоз-

боп тош, кварц куми, базальт ва каолин захираларини ҳисобга олиб ойна ишлаб чиқариши йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берган эди. Ана шу кўрсатма натижасида бугунги кунда энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган корхона қад ростлади ва дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Бу ерда умумий қиймати 250 миллион АҚШ долларлик ишлаб амалга оширилиб, унинг ҳисобига 700 та доимий иш ўринлари яратилди. Корхона энг сўнгги русумдаги энергиятежамкор ускуналар билан жиҳозланган ва барча жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган. Бундан ташқари, операторлар мониторинг нисбатан арзон бўлиши ҳамда турдош корхоналар билан рақобатни оширишга хизмат қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, республикамизда қурилиш ойнасига бўлган эҳтиёж йилга 38 миллион квадрат метрни ташкил қилар экан. "Зарафшон ойна" корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати эса йилга 12 миллион квадрат метр бўлиб, у шу соҳада кейинги даврдаги энг йирик лойиҳалардан бири эканини аёнлатади.

# Замонавий уйларда яшашнинг гашти ўзгача

Самандар ПАРДАБОЕВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика йўналиши талабаси.

Пойтахтимиздаги Сергели туманида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиш ишлари авжида. Ҳолбуки, бундан беш-олти йил аввал муҳандислик инфратузилмалар деярли мавжуд бўлмаган жойда замонавий шаҳар қурилади, деган гапга ҳеч қим ишонмас эди. Бугун эса у ҳақиқатга айланмоқда.

Замонавий шаҳарсозлик аънаналари асосида қад ростлаётган янги турар жойларда нафақат ашаш, балки аҳолининг қундалиқ ҳаёт тарзи учун муҳим инфратузилма тармоқлари, дам олиш масканлари ва ижтимоий соҳа объектларини қуришга алоҳида эътибор берилаяпти. Осмонга бўйлашаётган биноларга ҳамоҳанг равишда янги хиёбонлар, дам олиш масканлари, таълим, спорт, мажмуалари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қурилиши ушшоқлик билан олиб боришмоқда.

Тумандаги "Нилуфар" МФЙ ҳудудида замонавий экошаҳар қурилиши жадал давом этмоқда. Яқинда тупроқ ишлари бажарилиб, пойдевори тикланган 48 та бино қундан-қунга кўкка бўй чўзяпти. Қишнинг совуқ кунларига қарамасдан қўли-қўлига теғмай гишт телеравтан қурувчилар, қудратли техникалар ҳаракати бир дам тўхтагани йўқ. Бир вақтлар эътибордан четда бўлган ҳудудда қад ростлаётган бу шинам уйлар келгусида минглаб оилалар учун янги ашаш макони, меҳнат маскани бўлиши шубҳасиз.

– Биринчи босқичда 140 хонадонга мўлжалланган етти қаватли учта уй қуришга киришдик, – деди "Сергели бинокор" МЧЖ иш юритувчиси Санжар Раззоқов. – Мазкур иншоотларни яқинда битказиш мақсад қилинган. Бетон, плита ва гишт ишлаб чиқариши корхонанинг ўзида йўлга қўйилган. Умумий майдони 100 гектар ерда 13 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарча бунёд этилди. Шу кунгача 3 800 хонадонли 50 та кўп қаватли уй-жой қад ростлади. Шунингдек, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та умумтаълим мактаби, 1 та тиббиёт муассасаси ҳам бунёд этилади. 30 гектар майдонда кичик саноат зонаси ишга туширилиши ҳисобига 8 мингта иш ўрни яратилади.

Бунёдкорлик ишларига юртимиз тадбиркорларидан ташқари, Туркия, Эрон, Япония инвесторлари ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда. Хусусан, Туркиянинг "БТС", яъни А.С. компанияси осмонўпар 18-25 қаватли уйлар қуришга киришди.

Шунингдек, Дарвоз мавзесидаги 12 гектар майдонда қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳам кўнча маскан қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бу ерда 1 000 дан ортиқ хонадонли 30 та уй-жой қуришга киришди. Шу кунга қадар туманда 10-16 қаватли уйлар қурилмаган. Аксарият холларда "сув чиқмайди, коммуникациясиз кўтармайди", деган баҳоналарни рўқча қилиб, рўхсат берилмаган.

– Бу ерда 8 ва 9 қаватли уй-жойлар қуриш ишлари бошланган, – деди Сергели тумани ҳокимлигининг қурилиш бўлими бош мутахассиси Одибек Нўмонжонов. – Айниқса, юқори қаватдаги уйларни сув билан мунтазам таъминлаш учун барча чоралар қўрилган. Шу мақсадда ҳудудда ичимлик ва оқова суви тизимларини қуриш учун 7,5 миллиард сўм ажратилди. Натижада, барча аҳоли ичимлик ва оқова суви тизимига уланади ва алоҳида газ тармоқлари ҳам тортилади. Яқунланган йилда массив шаклида 50 та кўп қаватли уй-жой қурилиши ҳисобига 3 000 та оилада уй-жойлар ўтказилди. Фақат буғина эмас, 2023 йилда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида яна 5 000 хонадонли 160 та уй-жой қуриш режалаштирилмоқда.

# Косонсойдаги кўчма светофорлар

Республика ишчи гуруҳи кўмаги ҳамда аҳоли мурожаатларига асосан, Косонсой туманида катта йўл ёқасида жойлашган 1, 4, 5, 6, 18, 35, 41, 54-сонли умумтаълим мактаблари яқинида кўш батареялар ёрдамида ишлайдиган кўчма светофорлар ўрнатилди.

Кўш панели ёрдамида ишлайдиган мобил светофорларнинг энергия тежамкорлигида ўрни катта. Қолаверса, стационар светофорлардан қарийб уч баробар арзон.

– Светофор дастлаб бизнинг мактабимиз олдига ўрнатилди. Бундан миннатдоримиз, чунки мактабимиз йўл ёқасида жойлашган, автомаобиллар ҳаракати анча серқатнов. Олдинлари ўқувчилар мактабга келиб-кетадиган пайтда йўл бўйида навбатчилик ташкил қилинарди. Энди бу хавотирлар ортда қолади, деган умиддамиз, – деди Косонсой туманидаги 41-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Носиржон Тожибоев.



Маълумот учун, ушбу светофорлар учун вилоят маҳаллий бюджетидан 175 млн сўм маблағ сарфланди.

Ўз мухбиримиз.

# Ko'pikbeton bloklarining mustahkamlik xossalarini oshirish usullari

Bahrom HASANOV, TAQU dotsenti, PhD.  
Saida'zam SAYDALIYEV, Toshkent arxitektura-qurilish universiteti talabasi.

Hozirgi vaqtda qurilish materiallari sanoatining eng muhim muammolaridan biri tabiiy muhitga nisbatan uyg'un va muvozanatli faoliyatga asoslangan energiyasamarador mahsulotlar va buyumlarni mahalliy ishlab chiqarishni rivojlantirishdan iborat. Resurs va energiyatejovchi texnologiyalar asosida monolit va tayyor yig'ma konstruksiyali qurilish, ta'mirlash va restavratsiya ishlari uchun samarali qurilish materiallari ishlab chiqarish hamda atrof-muhitga nisbatan muvozanatli faoliyat qurilish materiallari sanoatining eng muhim vazifalaridan biridir.

Respublikamizning ko'pgina hududlarida bu maqsadlar uchun mahalliy materiallar va turli sanoat chiqindilaridan unumli foydalanish yo'lga qo'yilgan. Ana shunday mahsulotlardan biri - ko'pikli beton hisoblanadi. Uni qurilishda qo'llashda barcha ijobiy va salbiy tomonlarini hisobga olish kerak. Ushbu materialning afzalliklari sifatida montaj tezligi va ishlov berish qulayligi, yaxshi kesilishi, freyzerlanishi va burg'ulanishini aytish mumkin. Shuningdek, mahsulot ekologik toza, bino uchun beton bloklari zaharli moddalarni chiqarmaydi, blokda teshiklar havo bilan to'ldirilganligi sababli yaxshi issiqlik izolyatsiyasi xususiyatiga ega. Shovqin izolyatsiyasi yaxshi ta'minlangan. Aynan shuning uchun ham ko'pikli beton ko'pincha bino ichki qismlarini o'rnatishda ishlatiladi.

Ko'pikli betonning asosiy kamchiliklari - mo'rtligi tufayli tashish paytida ko'pincha bloklarning bir qismi shikastlanadi. Kerakli mustahkamlikka ega bo'lish uchun uzoq vaqt talab etiladi. Agar ishlab chiqarish texnologiyasi buzilgan bo'lsa, vaqt o'tishi bilan materialda strukturaviy o'zgarishlar yuz beradi. Bu esa devorlarning qisqarishi va yorilishlarga olib kelishi mumkin. Yuk ko'tarish qobiliyatining yetarli emasligi tufayli ko'pikli beton qilingan devorlarga og'ir narsalarni osib qo'yish uchun maxsus mahkamlagichlardan foydalanish kerak bo'ladi. Gigroskopikligi, ya'ni, ko'pikli beton suvni to'plashi mumkin, bu esa uni atmosfera va tuproq namligidan himoya qilishni talab qiladi. Chala quritilgan bloklar yoki geometrik shakli yomon bloklarni sotib olish muammasi ham mavjud.

1-rasm. Ko'pikbeton, blok.



O'lchamdagi farqlari 1 dan 3 sm gacha yetishi mumkin, bu esa ko'pikli betonni yopishtiruvchi eritma ustiga yotqizishni istisno qiladi.

Ko'pikbetonning xossalari - ushbu materialning xususiyatlari va sifati bevosita uni ishlab chiqarish xususiyatlariga bog'liq. Ko'pikbeton - bu mineral bog'lovchi va kremnezomist komponentiga asoslangan sun'iy tosh material bo'lib, teshiklari hajm bo'ylab teng ravishda taqsimlanadi. Ko'pikbeton blok qum, sement, suv va ko'pikli vosita aralashmasidan iborat.

Ko'pikbeton ishlab chiqarish texnologiyasi quyidagicha amalga oshiriladi:

Sement-qum aralashmasiga ko'pikli vosita qo'shiladi va bosim kamerasida bosim ostida aralashiriladi. Komponentlarni aralashtirgandan so'ng, hosil bo'lgan aralashmadan turli xil qurilish mahsulotlari yaratiladi. Masalan, devor bloklari, lintellar va taxta plitalari. "Garaj" deb ataladigan hunarmandchilik sharoitida ishchilar aralashmani tayyor qilishlarga quyishadi. Shu bilan birga, bu jarayonda "inson omili"ning ham ta'siri katta. Agar ara-

2-rasm. Yotqizish choklari



lashma notekis aralashtirilsa, u qisqaradi. Texnologiyani noto'g'ri qo'llagan holda yaratilgan bloklar notekis zichlikka ega bo'lib, ularning geometrik shakli buziladi va materialning mustahkamlik xususiyatlari sezilarli darajada kamayadi. Hech bo'lmaganda, tabiiy quritish usuli bilan ko'pikbeton kerakli kuchga ega bo'lishi uchun 28 kun talab etiladi.

Ko'p hollarda aksariyat yangi pudratchilar ikkita materialni bir-biri bilan aralashtirib yuborishadi. Ya'ni, ko'pikli beton va gazobeton bir xil material deb o'ylaydiganlar ham yo'q emas. Ushbu bloklarni ishlab chiqarish texnologiyasi boshqacha bo'lib, bu materialning xususiyatlariga ta'sir qiladi. Gazobeton yoki gazosilikat ishlab chiqarishda avtoklav texnologiyasi qo'llaniladi. Buning uchun yirik moliyaviy investitsiyalar talab qilinadi. Bu esa kichik ishlab chiqarish uchun iqtisodiy jihatdan foydasizdir. Avtoklav - bu uzoq vaqt davomida yuqori harorat va bosimda saqlanadigan maxsus o'choq hisoblanadi. Avtoklavni qayta ishlash usulida bloklar yuqori harorat va bosimda avtoklavda bug'

va issiqlik bilan ishlov beriladi. Avtoklavlash aralashmaning qattiqlashuv jarayonini tezlashtiradi, bu blokning mustahkamligini oshiradi, shuningdek, uning qisqarishini kamaytiradi. Ko'pikli beton ishlab chiqarishda ko'pincha avtoklav bo'lmagan oddiy texnologiya qo'llaniladi. Shuning uchun ko'pikli bloklarni ishlab chiqarish gazosilikat bloklarni ishlab chiqarishga qaraganda arzonroq va past narxga ega. Ko'pikli betonning issiqlik xususiyatlari sifatida uning binoda yashash uchun qulaylik darajasiga bevosita ta'sir qilishini aytish mumkin. Bugun elektr narxlarining doimiy ravishda oshib borishi tufayli energiyatejovkor uy-joylarni qurish odatiy holga aylangan.

Tashqi to'siq konstruksiyalar, shu jumladan, devorlar, bino qurilayotgan hudud uchun normalashtirilgan issiqlik uzatish qarshiligiga teng yoki undan kattaroq issiqlik qarshiligiga ega bo'lishi kerak. Misol uchun, Toshkent shahri va Toshkent viloyati uchun  $R_{req} = 4,15 \text{ m.kv} \cdot \text{C} / \text{W}$ .  $R_{req}$  qiymati - bu o'rab turgan konstruksiyalar uchun normal-

lashtirilgan issiqlik uzatish qarshiligi koeffitsienti hisoblanadi.

Ko'pikbeton blok devorining issiqlik uzatish qiymati ushbu blokning hajmiy og'irligiga bog'liq. Blokning hajmiy og'irligi 300 dan 1000 kg / m<sup>3</sup> gacha bo'lishi mumkin. Eng ko'p sotiladigan ko'pikbeton blok bu hajmiy og'irligi 400 yoki 600 kg / m<sup>3</sup> bo'lgan bloklardir. Hajmiy og'irligi 400 kg / m<sup>3</sup> bo'lgan blok va 300 mm qalinligi  $R_{req} = 2,158 \text{ kv.m} \cdot \text{C} / \text{V}$ , ga ega. Bu standartlarda talab qilinganidan kamroq. Agar blokning hajmiy og'irligi 600 kg / m<sup>3</sup> ichida bo'lsa, u holda 300 mm qalinlikdagi devorning issiqlik qarshiligi  $R_{req} = 1,312 \text{ m}^2 \cdot \text{C} / \text{V}$ , ga ega, bu ham yetarli emas.

Blok yaxshi quritilgan bo'lsa, ma'lumotlar to'g'ri ekanligini hisobga olish kerak. Agar blok suv bosgan bo'lsa, bu uning issiqlik izolyatsiyasi xususiyatlariga salbiy ta'sir qiladi. Hisob-kitoblarga ko'ra, issiqlik uzatish muhandislik standartlariga javob berishi uchun ko'pikbloklardan iborat devorning qalinligi bloklardagi namlikni o'tkazishga moslashtirilgan bo'lib, kamida 500-600 mm bo'lishi kerak. Aslida, ko'pikbeton devor monolit emas, balki tayyor konstruksiyadir. Yotqizish choklari, temir kamarlar, temir-beton ramkalar - bularning barchasi issiqlik

o'tkazuvchanlik koeffitsientini oshiradigan sovuq o'tkazish joyi hisoblanadi. Shu bois, maqbul ishlashga erishish uchun devor qalinligini yanada oshirish kerak.

Maxsus tadqiqotlar o'tkazgandan so'ng, yuqori qavatli karkas-devor rigelsiz konstruktiv tizimdagi qurilmalarda yengil betondan foydalanish samarali usul deb topilgan. Bu tizimdagi qurilishlar hozirda poytaxtimizdagi bir qator obyektlarda amalga oshirilmoqda. Ushbu bino va inshootlarning devorlari 20 sm qalinlikdagi monolit temir-betondan yasalgan. Faqat 7 sm qalinlikdagi mineral jun plitalari bilan izolyatsiya qilingan, so'ngra, 3 sm qalinlikdagi sement-qum ohak gips qatlami bilan ishlangan. Issiqlik saqlash bo'yicha tashqi devorlar ( $R_{req} = 1,31$  va  $1,5 \text{ (m}^2 \cdot \text{C) / V}$ , bo'lishi kerak) qurilish qoidalariga talablarga javob bermaydi. Lekin issiqlik inertsiyasi bo'yicha ( $D = 3,0$  va kamida 4 bo'lishi kerak) yozgi sharoitda haddan tashqari issiqlik istisnosini ta'minlaydi. Og'ir betonni o'rtacha zichligi 1500-1600 kg/m<sup>3</sup> bo'lgan yengil beton bilan almashtirganda ushbu konstruktiv tizimlar normativ qish va yoz sharoitida issiqlik ko'rsatkichlari talablarini ta'minlaydi. Bu holda seysmik hududlarda binolarning o'tlik og'irligining 33-38% ga kamayishi ham ahamiyatsiz emas.

3-rasm. Bloklarni issiqlik uzatishga qarshiligi



## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

### “Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” MCHJ

очик танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” MCHJ tomonidan tashkil etiladigan ochik tanlov sавдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 4 январдаги 2-сонли буюртма-номасига асосан қурилиши режалаштирилган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган, савдо шохобчаларининг сони - 8 дона, савдо шохобчаларининг ҳар бири майдони - 36 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 581760 000 сўм.

2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган, савдо шохобчаларининг сони - 2 дона, савдо шохобчаларининг ҳар бири майдони - 33 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 533280 000 сўм.

3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган, савдо шохобчаларининг сони - 27 дона, савдо шохобчаларининг ҳар бири майдони - 16,5 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчаси ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 266640 000 сўм.

4. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган, савдо

шохобчасининг сони - 1 дона, савдо шохобчасининг майдони - 18 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси - 290880 000 сўм.

5. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудига жойлашган, савдо шохобчасининг сони - 1 дона, савдо шохобчасининг майдони - 20 квадрат метрдан иборат, савдо шохобчасининг бошланғич баҳоси - 317140 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш охириги мuddати: 2023 йил 20 январь соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 24 январь куни соат 11.00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 6, 15 январь, 24, февраль, 7, 16, 27 март, 5, 14, 24 апрель, 3, 12, 22, 31 май, 12, 21, 30 июнь, 10, 19, 28 июль, 7, 16, 28 август кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишди:

юрдик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси;

жисмоний шахслар - СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati” MCHJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ “DAVR BANK” Олмazor филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Ташкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 33-уй.  
Телефон: 97-340-22-69.

## “Respublika mulk markazi” MCHJ Андижон вилояти филиали

“Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти ишчи ва ходимлари ўртасида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг 2023 йил январдаги 30-01/61-сонли буюртма-номасига асосан акциядорлик жамияти балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари бошланғич баҳоларда амалдаги қонунчилик асосида нархи босқичма-босқич юқорилар бориши тартибида қўйилмоқда:

1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60287 QAA бўлган “КРА3-250” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 61893150 сўм.

2. 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60350 GAA бўлган “ГАЗ-5201” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 7188500 сўм.

3. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60СА305 бўлган “ТТЗ.80.10” русумли трактор. Бошланғич баҳоси - 8288500 сўм.

4. 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60529 PBA бўлган “DAMAS ГБА СПГ” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4962100 сўм.

5. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60396 ААА бўлган “ВАЗ-21053” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 2315500 сўм.

Аукцион савдо 2023 йил 26 январь куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар 2023 йил 26 январдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2023 йил 7 февраль куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан жамият вакиллари билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдоларга аризаларни қабул қилишни охириги мuddати: 2023 йил 26 январдаги савдо учун 2023 йил 25 январь соат 9.00 дан 18.00 гача. 2023 йил 7 февралдаги савдо учун 6 февраль соат 9.00 дан 18.00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Respublika mulk markazi” MCHJ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9005 7145 2014 “Даврбанк” Олмazor филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71-уй.  
Телефон: 93-447-08-13.

Эслатна: мулкнинг сотиш қийматидан 10 физ миқдорида комиссия тўлов ҳамда энг кам иш ҳақини икки баробари миқдорда ахборот ва махсус хизмати учун тўловлар мулкнинг сотиш қийматидан ташқари амалга оширилади.  
00156 рақамли гувоҳнома.

## “Kim oshdi savdo servisi” MCHJ

нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

2023 йил 10 февраль куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдога “Урганч буюм савдо” MCHJнинг 2023 йил 5 январдаги 09/01-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Янги шовот йўли кўчаси, 22-уйда сақланаётган, таъмирталаб ҳолатдаги қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2014 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 063 САА бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 35789 000 (ўттиз беш миллион етти юз саксон тўққиз минг) сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2023 йил 10 февралдаги очик аукцион савдода сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2023 йил 31 март кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

юрдик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар - паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар 2 (икки) физик гаров пули тўлаган ҳолда закалат шартномасини тузиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Закалат пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ “Ипотека-банк” Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо қолибга савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун мuddат ичида олди-соти шартномасини имзолаш юклатилади.  
Телефон: 91-421-00-88.  
Расмий веб-сайт: www.koss.uz

4621 рақамли гувоҳнома.

## «O'ZBEKISTON BUNYODKORI» GAZETASIGA OBUNA VO'LIB VA QURILISH SOHASIDAGI YANGILIKLARDAN VOXABAR VO'LIB BORING!

Obuna indeksi 466

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# Халқимизнинг мустақкам таянчи ва суюнчи

Жаҳонгир НОСИРОВ,  
Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги “Чилтўғон” МФЙ ёшлари етакчиси.

**Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини биринчи навбатда унинг ўз армияси ҳимоя қилиши керак. Шу боис, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларида – 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этиш тарихи 1992 йилнинг 14 январидан бошланган. Айна шу кунга мамлакат парламенти (ўша даврларда Республика Олий Кенгаши) ўз қарори билан Республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, ҳарбий-ўқув юртлири, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа ҳарбий тузилмаларни Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучлари таъсис этилишининг асосий мақсади – мудофаадир, дея эълон қилинган.

Жорий йил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тузилганига ўттиз бир йил тўлди. Ватан ҳимоячилари кунини – ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тисмолига айланган умумхалқ байрами.

Миллий армиямиз мустақил Ўзбекистонимизнинг сарҳадларига қалқон, тараққиётга посбон бўлиб келмоқда. Мудофаа соҳасида қўшинлар замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминланиб, ахборот технологиялари кенг қўлланилмоқда. Жанговор тайёргарлик ва касбий маҳорат мунтазам оширилиб борилаётган. Ҳарбийларимиз нафақат ташқи душман мудофаасида балки коронавирус пандемияси таҳдидига қарши, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги қутилмаган табиий ва техноген офатлар оқибатларини бартараф этишда ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганлиги халқимиз ёдидан чиқмайди.

Президентимизнинг Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида яқин ҳамда узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва тўқнашувлар шароитида Ватанимизнинг ҳавфсизлиги ва ҳудудий ахиллигини таъминлашга ҳар томонлама қодирлигимиз айтилди. Шунингдек, тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақил-

лигимизни мустақкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттирармиз, миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз деб, таъкидлади Президентимиз. Бу барча ҳарбийларга янада кўпроқ масъулият юкляди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, ҳавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи тобора кучайиб бораётган, қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, жумладан, Ўзбекистон чегараларига бевосита яқин ҳудудларда маржоларнинг давом этаётгани, кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақиқий таҳдид ҳавфи уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда кибер-жойноатчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информация тарқатиш ўтказиш каби халқаро ҳавфсизликка нисбатан илгари кўрилмаган ҳавф-хатарларнинг авж олаётганлиги реал ҳақиқатдир ва ҳар қандай мамлакатнинг Қуролли Кучлари бундай ҳавф-хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун тайёр бўлиши керак.

Қуролли Кучларни изчил ислох этиш давомида принципиал янги ташкилий-штар тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли кўшим турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизми шакллантирилиб, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёр-



гарлиги ва уларни иқтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилди.

Қўшиннинг жанговар тайёргарлик борасидаги тажрибаси ортишида, шубҳасиз, халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг ўрни катта. Бу борада ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, жаҳон талабларига мос равишда барпо этилган “Чимён” тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар маркази, шунингдек, унинг тоғ-ўқув базаларида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия ва Беларусь давлатлари армияларининг мутахассислари, “Мерганлар тайёрлаш маркази”да эса Туркия, Италия ва Франция Қуролли Кучлари мерган-йўриқчилари иштирокида ҳамкорликдаги ўқув курслари ва тренинглари ўтказилмоқда.

2022 йили Мудофаа вазирлиги ҳарбий жамоаларининг халқаро майдонда эришган ютуқлари ҳақида бор-йўғи иккита мисолни келтирмоқчимиз. Шунинг ўзи ҳам миллий армиямизнинг жанговар қобилияти ҳақида етарлича тасаввур бера олади. Биргина мисол, июнь ойида Туркиянинг Испарта шаҳрида “Энг илғор мерганлар жамоаси” мусобақаси ўтказилди ва унда жамоамиз фахрли 2-уринни қўлга кирит-

ди. Аҳамиятлиги шуки, мазкур беллашувда НАТО таркибига кирувчи 12 та давлат жамоалари ҳам иштирок этган эди.

– Мамлакатимиз ривожланиш сари дадил одимлар экан, юртимизда қўллаб-қўллаб амалга оширилмоқда. Шу жумладан, биз ҳарбийларга берилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан биз жудаям маннунимиз, – дейди Марказий ҳарбий округидаги ҳарбий қисмда шартнома бўйича ҳарбий хизматчиси кичик сержант Анвар Баҳромов. – Жумладан, Янги Ўзбекистон армияси тубдан янгиланиб бормоқда. Жанговар тайёргарлик учун замонавий имкониятларга эга бўлган ўқув бинолари ва янгидан-янги спорт иншоотлари барпо этилди. Чунончи, сўнгги йилларда давлатлар ўртасида мусобақалар бўлганда, “Қани, бизда ҳам қатнашишга имконият бўлса-ю, юртимиз куч-қудратини намойиш эта олсак”, деб ният қиларди. Ниятим амалга ошириб, халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон армияси шаънини муносиб ҳимоя қилиб, юксак мукофотларга сазовор бўлдим. Мен Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари миллий армияси сафида хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Кичик сержант Баҳромов билан суҳбатлашиб, ундаги улкан шижоат ва ғайратнинг ғувоҳи бўлдим. Ишонаманки, ҳар бир ватанимиз ҳимоячиларида шундай ватанпарварлик ҳисси жўш уриб турибди!

Таъкидлаш жоизки, қўшиннинг жанговар шайлик даражасини оширишда Қуролли Кучлар ва Мудофаа вазирлиги микёсида “Мен ғолиб!” шiori остида ўтказилаётган “Ўз касбининг устаси” мақоми учун, “Энг илғор мутахассис”, “Энг илғор мерган”, “Амир Темур жанговар байроғи учун” каби кўрик-танловлар, “Доворак жангчи” номи фарқловчи нишон учун синаовлар ҳамда ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида “Тумарис” кўрик-танловларининг ҳам ўрни беқиёс.

Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга, Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Эндиликда бу сазой-ҳаракатлар янада кучайтирилса, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган зобит аскарларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилади, касбига иштиёқи ва меҳри кўсалади. Бу, албатта, тинчлигимизга, юртимиз тараққиёти ва раванқига хизмат қилиши табиийдир.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA  
**ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

- Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Хидоят, Давронжон Адиллов, Шукруллобек Жаҳонгиров, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

- Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
- Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
- Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
- Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» **НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ» **НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ** МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсанотқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвeст» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.  
**Телефонлар:**  
71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (котибият),  
71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ**  
**ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

- Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
- Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
- Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
- Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
- Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
- Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
- Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
- Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
- Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
- Қазақдарё вилояти:** 99-503-43-39.
- Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюртма – Г-137. 1740 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.  
**Навбатчи** – Р. Ҳўжаева.  
ЎаА якуни – 21.10.  
Тошпирилди – 22.50. 1 2 3 4 5 6

## Бахшичилар учун ётоқхона фойдаланишга топширилди



**Райҳона ХўЖАЕВА,**  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Термиз шаҳрида давлатимиз раҳбари топшириғига асосан Бахшичилик мактаби учун қурилган ётоқхона фойдаланишга топширилди. Темирйўлчилар томонидан бунёд этилган ушбу ётоқхона мактаб ўқувчиларига Янги йилнинг дастлабки кунларидаги совғаси бўлди.**

Маълумки, 2021 йилнинг 1-2 июнь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига борган эди. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари вилоятдаги Бахшичилик мактаби ўқувчилари учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятига 150 ўринли ётоқхона қуриб бериш топшириғини берганди.

2021 йилнинг 22 декабрь кунини мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернатининг ётоқхонаси қурилиши пойдеворига қозик қўқилди. Ушбу ётоқхона 150 ўринли ва 4 қаватдан иборат бўлиб, лойиҳа қиймати 9 миллион 666 миллион 127 мингта ташкил этилди. Мазкур лойиҳани қуришда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти буюртмачи, “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” унитар корхонаси эса бош пудратчи сифатида фаолият олиб боришди.

Утган бир йил мобайнида қурилиш объектида

малакали қурувчилардан иборат мутахассислар ва замонавий техникалар жалб қилиниб, лойиҳа бўйича бино сифатли қурилиб, якунига етказилди.

Бинода кутубхона, ошхона, спорт зали, дарс хонаси, маънавият хонаси, кир ювиш ва куришти хоналари ҳамда ётоқхоналар мавжуд. Сув иситиш тизими замонавий мосламалар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, 2 та ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун ҳам хоналар ажратилган. Бино тарихида икки томонлама зина лойиҳаланган ва кузатув камералари билан таъминланган. Турар жой биносининг ҳар бир хонаси янги мебеллар билан ҳам жиҳозланган. Хусусан, ҳар бир ётоқ хонаси ойналарига жалюзи пардалари, каравотлар, иситиш ва совитиш ускуналари ҳамда ҳар ўринда алоҳида ёритув чироклари, иситиш радиаторлари ўрнатилиб, ўқувчилар учун қўлай шароитлар яратилди.

Бино йўлаклари, пол қисми кўркам ва сифатли гранит кафель билан қопланди. Деворларга миллий қадриятларимиз ва бахшичилик анъаналарига мос келувчи суратлар жойлаштирилган ҳамда улар учун алоҳида ёритиш чироклари ўрнатилган. Бундан ташқари, бинонинг орқа томонида 400 м<sup>2</sup> майдонга 32 кВт.лик қуёш батареяси ўрнатилди, жумладан, ётоқхона биноси сарфлайдиган электр энергиясининг 25 фоизини таъминлаб бериш қувватига эга бўлади. Шунингдек, алоҳида кўмир ва газ ёрдамида ишлайдиган қозонхона ҳам ташкил этилган бўлиб, сув танқислигини олдини олиш учун 100 тонналик ёпиқ сув ҳавзаси ва 25 м<sup>3</sup> ҳажмга эга сув минораси қурилди.

Бино ҳовлиси ободонлаштирилиб, йўлақларга брусчатка ётқизилди ва кўкчалмзорлаштирилган қисмида турли манзарали дарахт кўчатлари ҳамда анвойи гуллар экилди.

Замонавий, ҳар томонлама қўлай ва каби бинода яшаш бахтига сазовор бўлган ўқувчилар келгусида юртимиз ривож учун ўз хиссаларини қўшишларига ишонамиз.

## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

**2023 йилнинг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги матбуот котиби – вазирнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси **Саидносир Усманов**, Шаҳарсозлик ҳужжатлари ижросини назорат қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Диёра Абдуллаева**, Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Гулчехра Аблакимова**, Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўлими бош мутахассиси **Алжон Алимухамедов**, Рўхсатномалар бюроси навбатчиси **Муқаддас Бердиева**, кичик мутахассиси **Наталья Иманова**, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси раҳбар котибаси **Наргиза Уринова**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК юрисконсулти **Зайниддин Назаров**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳар қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Озоджон Шукуров**, Кармана тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Анвар Ташназаров**, Қурилиш бош бошқармаси таркибидagi Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими мутахассис-архитектори **Шерзод Широнов**,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Оттабек Пирназаров**,

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи **Жаҳонгир Турдинмуродов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали директори **Бўрибай Гаимов**, мутахассис **Абдуқосим Мухаммадиев**, хўжалик мудирини **Шерали Абдуллаев**,

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Баҳодир Сарбоев**, Ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари **Баҳром Мавлянов**, Янгиёул шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи – шаҳар бош архитектори **Баҳодир Ходжамуродов**,

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси комплекси назорати бош мутахассиси **Ойбек Маматов**,

Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази етакчи мутахассиси **Воҳиджон Карвонов**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Сардор Қадомов**, Қўшқўпир тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилинишини назорати бўйича архитектори **Элёр Эшметов**, Хонқа тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Русланбек Униров**ларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Архитектура ва қурилиш экспериментал лойиҳалаш бўлим бошлиғи **Акрам Мирхаликов**, Мухандислик коммуникациялар бўлим бошлиғи **Алла Уразаева**,

“Тошгипрогор” АЖ 1-сонли архитектура-қурилиш сектори техник-архитектори **Тоҳиржон Тулқинов**, Сув таъминоти ва канализация сектори муҳандиси **Махлиё Қодирова**, Техник қўллаб-қувватлаш сектори гуруҳи сардори **Николай Килячков**, муҳандис **Тимур Исраилов**, Қурилишларни тузиш ва мустақкамлаш бўлими лаборант ёрдамчиси **Тимур Муллаянов**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Валентина Лисенова**, Бош бошқарма ҳузурдаги ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси **Саидулло Олимов**,

Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Исмоил Урозов**, Пахтакор тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Бобомирзо Утанмуродов**, қоровул **Алишер Мухитдинов**,

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлиги қоровули **Салауатдин Ешимбетов**, Чимбой тумани қурилиш бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Ахмед Жаксымуратов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи **Алишер Калменов**,